

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МАЊНАВИЙ-ХУЌУҚИЙ ТАРБИЯ БЕРИШ МЕХАНИЗИМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ШАРҚ МАЊНАВИЙ МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Артиков Ўктам Камилжонович

Термиз давлат педагогика институти
“Педагогика” кафедраси мустақил тадқиқотчиси
Тел94-267-12-97

Аннотация: Ушбу мақолада ўқувчиларнинг ижтимоийлашув жараёнида мањнавиий-хуќуқиий тарбия бериш механизимларини такомиллаштиришда Шарқ мањнавиий меросидан фойдаланиш ўзига хос хусусиятларига ва тарбиявий жиҳатларина эътибор берилган. Мақолада буюк аломаларнинг мањнавиий-хуќуқиий тарбия ҳақидаги буюк мањнавиий меросидан келтирилган мисолларни ёшлиар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: мањнавиий-хуќуқиий тарбия, ўқувчиларнинг ижтимоийлашув, Шарқ мањнавиий мероси, миф, афсона, қадимий ёзув, “Авесто”да инсон ахлоқ-одоби, маърифат, илм-фан, мањнавият, маданият.

Мақоланинг **кириш қисмида**, ҳар бир ҳалқнинг ривожланиш даражаси унинг мањнавиий-хуќуқиий онгини юксаклиги билан белгиланади. Муайян ҳалқнинг тарихини, ўзига хос хусусиятларини ўрганишда мањнавиий-маърифий-хуќуқиий ишларга маданий меросга бўлган эътибор айни пайтда ўша ҳалқнинг тарихига, мањнавиий-хуќуқиий онги ва маданиятига бўлган ҳурмати сифатида англанади. Шарқ ҳалқларининг фалсафий асарларида мањнавиий-хуќуқиий тарбия масалаларига алоҳида эътибор берилган. Мањнавият ҳақида фикр юритар эканмиз, энг аввало, бу тушунчани билиб олишни миллат тушунчасини изоҳлашдан бошлаш мақсадга мувофиқ.

Мақоланинг **назарий жиҳатларида** кўпроқ мањнавиий-хуќуқиий жиҳатларга эътибор бериб, унда «Миллат» сўзи, унинг «ўзак», «туб моҳият», «негиз» деган мањони билдириши ҳақида тўхталади. Бу сўз араб тилида уч мањони англатади. Биринчи дин маҳзаб, иккинчи уммат, учинчи ҳалқ, қавм. Европа адабиётларида қўлланиладиган «нация» сўзи эса қабила, ҳалқ деган мањони билдиради. Инсон ривожланиши жамият тараққиёти борган сари мањнавиий муносабатларда ўз аксини топмоқда.

Марказий Осиё, Арабистон, Хитой ва Ҳиндистон олимлари ҳам мањнавиий-хуќуқиий тарбиялашда, уни ўрганишда ўз ҳиссаларини қўшганлар. Бизнинг энг қадимий аждодларимиз мањнавиий-хуќуқиий тарбия беришда ва маърифий

маълумотларни ўз асарларида миф, афсоналар ва қадимий ёзувларда сақлаб келганлар. Шу асосда баҳт ўлкаси баҳтсизлик ўлкаси деган мифлар юзага келган. Яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасида кураш пайдо бўлди. Буни биз зардўштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» да ҳам кўришимиз мумкин.

“Авесто”да меҳнат ниҳоятда улуғланади. Меҳнатни яхшилик аломати, моддий ноз-неъматлар яратиш манбаи деб билади. Инсон саҳоватли бўлиши учун, аввало, меҳнат қилиши, ўз қўли билан ноз-неъматлар яратা билишни тақозо этади. “Авесто” да: “Дон эккан киши тақводорлик уруғини экади, у маздаги ихлосмандлик эътиқодини олға суради, иймонини озиқлантириб туради” дейилади. Бунга амал қилиш ўн минг марта ибодат қилиш билан баробар, юзлаб қурбонлик қилишга teng. “Авесто”да инсон ахлоқ-одоби, маънавияти қуйидаги учлиқда! Гумата-яхши фикр, Гучта-яхши сўз, Гваршта-яхши ишда ифодаланади.

Қадимги Ўрта Осиё аҳолиси яратган оғзаки адабиёт ёдгорликлари орасида қаҳрамонлик эпоси катта ва муҳим ўрин тутади. Уларда ҳалқимизнинг чет эл босқинчиларига қарши ватанпарварлик кураши асосий ўринни эгаллаган. Чунончи, Тўмарис, Широқ, Зарина, Рустам, Сиёвуш ҳақидаги ватанпарвар ва фидокор баҳодирларнинг монументал образлари яратилган. Тўмарис ва Широқ ҳалқ қаҳрамони бўлиб, ўз ҳалқи ватани учун жонини ҳам аямайдиган буюк ва бетимсол мардлик ва жасорат намунаси саналади. Уларда юксак маънавий-хуқуқий онг яхши тарбияланганлигини гувоҳи бўламиз.

Маълумки, мақоланинг **амалий аҳамиятида** бу дунёда ҳар бир миллатнинг ўз афсонавий қаҳрамонлари борлиги, ўзи севиб ардоқлайдиган паҳлавонлари бўлганлиги ҳақида тўхталаган. Ҳалқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қурдатга муносиб бўлмоққа интилиб, ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл полвонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилган. Шулар орасида ҳалқ оғзаки ижод дурданаси бўлган “Алпомиш” достони миллатимизнинг маънавий юксаклигини намоён этадиган, авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамон ҳисобланади. “Алпомиш” ҳалқимизнинг қадимий ва шонли тарихининг шоҳ дурданаси бўлиш билан бирга, ҳалқнинг бағрикенглиги, матонатли, олийжаноблик, вафо ва садоқатлилик каби эзгу фазилатлари ўзида ифода этган.

Шу боис “Алпомиш” достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ берар экан, инсонларни одил ва ҳақиқий бўлишга, ўз юртимизни, оиласиз қўргонини қўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни ота-боболаримизнинг муқаддас жойларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади. Бу ўлмас асарни ҳалқимиз асрлар давомида яратган, ўз иймон эътиқодидан аср-авайлаган қанча авлод-аждодларимиз “Алпомиш” достони асосида тарбия топган, ўзлигини англаган, маънавий-хуқуқий бойликка эга бўлган. Маълумки,

халқимиз азалдан ислом дини ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшиб келган. Буни бутун мусулмон дунёси яхши билади ва тан олади. Нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш Ислом конференцияси ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – ЮНЕСКО томонидан Тошкент шахрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингандиги ҳам ана шундай юксак эътирофга лойиқ эканлигини кўрсатади. Улуғ ватандошимиз – Абу Исо Мухаммад ибн Исо Термизийнинг маънавий мероси “Сунани Термизий” асари ҳам мусулмон дунёсида юксак қадрланади. Маънавий-ҳуқуқий рнгни ривожлантириш беш нарсага асосланади дейди буюк аллома Муҳаммад Ибн Исо Термизий.

“Биринчидан, Аллоҳ таолонинг оят-аломатларини тафаккур қилиш, бундан маърифат туғилади.

Иккинчидан, Аллоҳ таолонинг неъматлари, эҳсон ва яхшиликларини тафаккур қилиш; бундан муҳаббат туғилади.

Учинчидан, Аллоҳнинг хушхабар-ваъдаларини ва берадиган ажрасавобларини тафаккур қилиш; бундан Аллоҳга мувофиқият тилаш, унинг ризолигига интилиш рағбат туғилади.

Тўртинчидан, Аллоҳнинг ваъдалари ёмон оқибатдан кўрқитувчи хабарлари ва жазоларини тафаккур қилиш. Бундан ҳар хил нарсаларга аралашишдан ва гуноҳларга тушишдан кўрқув туғилади.

Бешинчидан, Аллоҳ таолонинг эҳсонларига нисбатан нафснинг жафосини тафаккур қилиш. Бундан солих салафларнинг фикрлари туғилади. Ва Аллоҳни зикр қилишдан хаё туғилади”.

Яна бир ватандошимиз Имом Мотрудийнинг “Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи” деган юксак шарафга эга бўлгани, буюк аллома Абдухолик Фиждувоний ва Баховиддин Нақшбанднинг муборак номлари алоҳида аҳмиятга эга. Шунингдек, маънавий-ҳуқуқий онгни тарбиялашдан ўз ижодий ишлари билан из қолдирган аждодларимиз Фарғоний, Хоразмий, Мирзо Улугбек, Беруний, ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий боболаримизнинг хизматлари инсон маънавий негизи ҳисобланади ва унинг ривожланишга улкан таъсир ўтказади. Бу улуғ зотларнинг тимсолида маърифат, илм-фан, маънавият маданият, дин соҳаларининг барчасида халқимизнинг маънавий-ҳуқуқий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканлигини исботлаб беришдан иборат.

Юсуф Ҳос Ҳожиб ёшларни билим олишга оқилона ёндашишни маслаҳат беради. Чунки ҳамма яхшиликлар билимдан пайдо бўлади, билим ёрдамида инсоннинг мартабаси ошади, номи машҳур бўлади. Шунингдек, одобли ва маънавий жиҳатдан яхши тарбия кўрган инсоннинг асосий фазилатларидан бири, нутқ маданияти, унинг мазмундорлиги ва нафосати шахснинг билимли ва аҳлоқий етуклигини белгилайди. Шу ўринда буюк боболаримизнинг маънавий-

хуқуқий олами ҳақида фикр юритар эканмиз, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида тўхталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азму иншоот, мардлик ва донишманлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, илм-фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди. Миллий маънавиятимиз юксалишида, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда улуғ зотлардан яна бири Алишер Навоий ижодига, унинг ўзбек тили ривожланишига қўшган ҳиссасини қайд этиб ўтиш асосий бурчимиздир.

Ҳар бир халқ маънавиятига хос қадриятларнинг бошқа халқлар томонидан тан олиниши, табиийки, ана шу халқ тарихига нисбатан чуқур хурмат ифодасидир. Бундай эътироф халқнинг ғуур ва ифтихори, миллий ўзлигини янада юксалтиришга хизмат қиласи. Бу борада чоризм мустамлакаси даврида ҳам маърифат ва маънавият ғоясини баланд кўтариб чиқкан. Жадидчиларнинг фаолияти ҳам бунга мисол бўла олади. Булар Махмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носирлар бўлиб маърифат, маънавият ишларини юксалтиришда ўз ҳиссаларини қўшган ана шундай улуғ аждодларимизнинг илмий-ижодий мероси ва ибратли фаолияти кейинчалик диёrimизда Қори Ниёзий ва Тошмуҳаммад Саримсоқов, Ҳ.Абдулаев, С.Сирожиддинов, О.Содиков ва С.Юнусов, Я.Ғуломов, Б.Ахмедов, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва Зулфия, Саид Ахмад ва Озод Шарофиддинов каби маънавият ва маърифат, илм-фан ва маданият арбоблари етишиб чиқиши учун замин бўлди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг кўплаб қилаётган ишларида ва битилган асарлари ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялашга, уларнинг маънавий-хуқуқий юксак онгини шаклантиришда дастуруламал бўлиб хизмат қиласи. Юртимизда миллий-маънавий тикланишнинг зарурлиги ҳақида батафсил тўхталиб, бу борада аждодлар яратган маънавий мерос, амалий тажриба, аҳлоқий, илмий, маънавий-хуқуқий онг, диний ва руҳий қарашлар, маданият, урф-одатларни тикламоғи ва унга асосланмоғимиз лозимлигини кўрсатиб ўтади. Шунингдек, биринчи президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” (1993 й.) номли асарида маънавий-аҳлоқий-хуқуқий хислатларни негизлари:

- 1) умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- 2) халқимизнинг маънавий-хуқуқий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- 3) инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш;
- 4) ватанпарварлик орқали инсоний фазилатларни шакллантириш лозимлигини кўрсатиб ўтадилар.

Бу борада шахс маънавиятини шакллантиришнинг педагогик шартшароитлари турли ёшдаги таълим олувчининг маънавий маданияти, миллий ва умуминсоний қадриятлар, оила имкониятларидан самарали фойдаланиш масалаларига тўхталиб ўтиш билан маънавий-ҳуқуқий масалаларни очиб беришга ҳаракат қилган. Шу мақсадда ўқувчи-ёшлар маънавий-ҳуқуқий онгни тарбиялашда маънавий соҳада қуидагиларга эътибор бериш керак:

- инсонпарварлик ғояларига содиқлиги;
- маънавият ва ахлоқийликни миллий анъаналар асосида қайта тиклаш;
- қадимий ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда ўрганиш орқали;
- хурфиксрилилк, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш;
- ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш;
- аҳолининг энг ночор қатламлари: кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оналар, ўқувчи ёшларни давлат томонидан ижтимоий муҳофаза қилиш;
- ҳамма учун тиббий хизматни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, чақалоқлар ўлишини камайтириш, одамлар умрини узайтириш учун маънавий ва руҳий чора тадбирларни амалга оширишни яхшилаш;
- умумий ўрта таълим олиш, маҳсус касб-ҳунар эгаллашда барчага тенг ҳуқуқ бериш имкониятларини яратиш;
- ижоднинг барча турини ривожлантириш боланинг истеъдод ва қобилиятини намоён этиш учун шароитлар яратиш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мактаб ўқувчилари маънавий-ҳуқуқий тарбиялашда ахлоқи, маънавий етуклиги жамият маънавиятининг асосий негизи ҳисобланади. Мактаб ўқувчилари маънавий-ҳуқуқий тарбиялаш инсон ҳаётининг барча босқичларини шахсий ҳаётини, кишилар билан муносабатини унинг хулқ-атворини қамраб олган бўлиб, ўқувчининг ижтимоий-маънавий муносабатлари билан яқиндан танишишга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Харакатлар стратегияси”. - Т.: “Ўзбекистон”, 2017 йил.
2. Мирзиёев Ш.М. Ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш бўйича беш ташаббус.- Т.: “Сиёsat”, 3 апрель 2019 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Маҳсус таълим вазирлигининг қарори .-Т.:2017 йил 22 август. Қарор №39.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрь куни қабул қилинган ПҚ-3271 сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш

тизимини ривожлантириш, китоб мутоааласи ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори.-Т.: 2017 йил 13 сентябрь.

5. Каримов И.А.Юксак маънавият - енгилмас куч.-Т.:“Маънавият”,2008 й.
6. А.Навоий. Маҳбуб ул-қулуб .-Т.: Ўқитувчи. 1983 й.
7. Амир Темур.Темур тузуклари.-Т.: Шарқ. 2003 й.
8. Абу Наср Форобий. Метафизика –Т.: Фан. 2004 й.
9. Иброҳим А, ва бош., Ватан туйгуси. – Т. Узбекистон. 1996. 350-бет
10. Матчонов Сафо. Ғафлат ва Жаҳолат. –Т,: Чулпон. 2016 й.
11. Кайкавус . Қобуснома. –Т.: Ўқитувчи. 2011.Б- 85.
12. Худойқулов Х.Ж. Миллий Ғурур - маънавий комиллик мезонлари. –Т.: “Навruz”, 2016
13. Худойқулов Х.Ж. Педагогика. –Т.: Дзайнин-Прес. 2011 й. 59-бет.
14. Худойқулов.Х.Ж. Ибн Сино–Маърифатпарвар олим.–Душанбе, Ирфон. 1997й. 34-бет.
15. Худойқулов Х.Ж.Комил инсон фазилатлари.–Т.:“Инновация-Зиё”, 2021 й.